

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Палуанова Зухра Дарибаевна**

**Қорақалпоғистон республикасида суициднинг ижтимоий-психологик  
муаммолари ва уларни олдини олиш**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Палуанова Зухра Дарибаевна**

Қорақалпоғистон Республикасида суициднинг ижтимоий-психологик муаммолари ва уларни олдини олиш ..... 3

**Палуанова Зухра Дарибаевна**

Социально-психологические проблемы суицида и его профилактика в Республике Каракалпакстан..... 25

**Paluanova Zukhra Daribaevna**

Social and psychological problems and its prevention of suicide in the Republic of Karakalpakstan..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАЛУАНОВА ЗУХРА ДАРИБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУИЦИДНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/P202 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шоумаров Гайрат Бахрамович,</b> психология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қодиров Умарали Дустқобилович,</b> психология фанлари доктори, доцент <b>Ибадуллаев Зарифбой Раджапович,</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жиззах давлат педагогика институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+ 99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz.

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+ 99871) 276-82-32

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Т. Нишонова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, психол.ф.д., профессор

**Х.А. Тиллашайхова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психол. ф.н., доцент

**В.М. Каримова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда энг қимматли капитал бу инсон, чунки барча моддий ва маънавий бойликлар инсон томонидан унинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти туфайли яратилади. Бунда дунё ҳамжамияти фақат суицид ҳисобига ҳар йили 1 миллион, ҳар сонияда бир кишидан ортиқ инсондан айирилиб қолади<sup>1</sup>. 2009 йилда Япониянинг яқунланган суицид ҳисобига молиявий йўқотув миқдори 31,4 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. Германиянинг суицид ҳамда депрессияга сарфланган харажатлари бир йилда 300 млн. еврога тенг. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маълумотларига кўра барча ўз-ўзини ўлдиришларнинг 75 фоизи паст ва ўрта даромадли мамлакатларга тўғри келади. 2013 йил май ойида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 66-чи сессиясида тарихда илк бор БССТнинг Руҳий саломатлик соҳасида ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Ўз-ўзини ўлдиришни олдини олиш бу режанинг ажралмас қисмидир, унда 2020 йилга келиб мамлакатлардаги ўз-ўзини ўлдиришнинг тез-тез учрашини 10 фоизга камайтириш мақсади қўйилган.

Глобал миқёсида одамлар ўлими сабаблари ўртасида 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган одамлар ўзини ўлдириши иккинчи ўринни эгаллайди. Муаммонинг алоҳида долзарблиги шундаки, яқунланган суициднинг 50 фоиздан кўпроғи аҳолининг 16 ёшдан 35 ёшгача даврига тўғри келади. Ёшнинг бу даврига қуйидагилар хос: шахснинг катталар ҳаётига ўтиши, касбни танлаш ва эгаллаш, ёш оилани яратилиши ва шаклланиши, профессионал сифатида шаклланиш, лавозим бўйича ўсиш бошланиши, ҳаётий тажриба етишмаган шароитда ролли функциялар сонини кескин ошиши, чиройли ҳаёт эҳтиёжлари ва уларни қондиришга имкон йўқлиги ўртасида зиддиятлар намоён бўлиши ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ички шахсий муаммоларни кучайтиради ва идрок қилишини бузади.

Ўзбекистонда ҳар йили суициддан 2000 дан зиёд одамлар бевақт ҳаётдан кўз юмади. Бошқа мамлакатларга нисбатан Ўзбекистоннинг яқунланган суицид бўйича кўрсаткичлар паст бўлганига қарамадан, бизда умуман республиканинг ўрта статистик кўрсаткичларига қараганда барқарор тарзда ўсиши кузатиладиган ва уларнинг миқдори 1,5-3 баробар юқорироқ бўлган минтақалар мавжуд. Булардан бири Қорақалпоғистон Республикаси. Ундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида, афсуски, дунёдаги умумий тенденцияларига зид равишдагилар қайд этилмоқда. Бу гендер хусусиятларда намоён бўлади. Бутун дунё бўйича яқунланган суициднинг 2/3 қисмини эркеклар, 1/3 қисми эса аёллар ташкил қилади. Ваҳолаки, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида (Конликўл, Хўжайли ва бошқалар) ва бошқа вилоятларда ўлган суицидентларнинг 50 ва ундан кўп фоизини аёллар ташкил этади. Оғир экологик шароитлар, аҳолининг чет элга миграциясининг катталиги,

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news/item/09-09-2019-suicide-one-person-dies-every-40-seconds>

этносининг нисбатан кичик миқдорида эканлиги, туғилишининг кескин пасайиши, ҳамда жамиятнинг ўтиш даври билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар, кадриятларни моддий тарафни маънавий тарафга нисбатан устун қўйиб қайта баҳолаш, кадрлар ва бошқарув сиёсатидаги муаммолар мазкур муаммонинг Қорақалпоғистон Республикасида тадқиқ этишни янада долзарблаштиради. Шунингдек, суицид муаммоси, умуман, ва ижтимоий-психологик, минтақавий жиҳатлари, хусусан, жуда кам ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3606-сон қарори билан суицидологик хизмат олдида БССТ томонидан тавсия этилган етти мақсадни амалга оширадиган, республикада суицидологик вазиятни яхшилайдиган қатор вазифалар қўйилди. Мазкур қарорни бажариш борасида аҳолига суицидологик хизматни ташкил этишда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси фаолияти кескин фаоллашди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Э.Усманов, Г.Шоумаров, Б.Умаров, Н.Согинов, У.Кодиров ва бошқаларнинг илмий ишларида аёллар ўз-ўзини ёқиб юборишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, болалар ўртасида суицид омиллари, сабаблари ва турларининг ижтимоий-психологик ёш хусусиятлари, Ўзбекистонда суицид эпидемиологиясининг ижтимоий-психологик жиҳатлари ўрганилган. И.Махмудов, Б.Ботиров, Э.Сатторов ва С.Ахунджанова томонидан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси материалида суициднинг ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган.

Суицид муаммоси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ҳам ўрганилган. У қуйидаги йўналишларидаги фанлар вакилларининг диссертация тадқиқотлари предмети бўлган: психология фани - А.Г. Амбрумова, Ю.Г. Касперович, А.А. Лучина, Г.В. Старшенбаум; тиббиёт фани - Г.Г. Кошелева, Г.М. Валитова, С.В. Ваулин, М.И. Чернобальский; ижтимоий фани - С.В. Шамкова, Г.С. Галстян; ҳуқуқшунослик фани - О.Р. Цой, М.Ю. Пучина; педагогика фани- Н.Ю. Костюнина, К.М. Кий, С.В. Книжникова; фалсафа фани - С.С. Аванесов, З.Т. Гадинская, М.П. Дуткин; иқтисодиёт фани ва демография - М.В. Морев; биология фани - К.С. Гюльазизова.

М.В.Морев томонидан суицидга омиллар таъсир этишнинг турли даражалари аниқланган. Т.Г.Кошелева томонидан болалар ва ўсмирлардаги суициднинг тиббий-психологик ва ижтимоий хусусиятлари аниқланган.

Ўз-ўзини ўлдириш бўйича биринчи жиддий ишнинг муаллифи Э. Дюркгеймнинг классик таърифи бўйича: “Ўз-ўзини ўлдириш деб бевосита ёки билвосита тарзда жабрланган шахснинг ўзи томонидан қилган ҳаракатнинг ижобий ёки салбий натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ходисаси номланади, агар у кутилаётган натижалардан хабардор бўлса”.

Суицид М.Хальбвакс, Е.Шнейдман, Л.Векштайн каби хорижий муаллифлар тадқиқотлари предмети бўлган. Улар ўз-ўзини ўлдиришнинг типология ва таснифланишини таклиф этишган. К.А. McMillan, М.В. Enns, G.J. Asmundson, J. Sareen суицидни ижтимоий-иқтисодий ва психологик омиллар билан боғлашган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-психологик муаммоларни ўрганиш ва суицидни олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот мақсади асосида қуйидаги вазифалар белгиланди:**

ижтимоий-психологик, этнопсихологик, экологик, иқтисодий ва психологик омилларни аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасида суициднинг ёш, жинсий, ҳудудий хусусиятларини аниқлаш;

суицидни олдини олишда ижтимоий-психологик муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш;

таълим муассасалари ва оилада суицидни олдини олиш бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 660 нафар маълумот берувчилар жалб қилинган, шу жумладан, оила аъзолари, суицидентни яхши танийдиган кишилар, синф раҳбарлари, кураторлар, дўстлар, дугоналар, синфдошлар, яқин қариндошлар, қўшнилари, ўрта умум таълим муассасаларининг 28 нафар психологлари, тиббий китобчалар, касалликлар тарихлари, ҳамда суицид бўйича статистик материаллар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Суицидология марказига охириги 5 йил мобайнида тақдим этилган расмий ҳисоботлар илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг эпидемиологик ўчоқларидаги тупроқ, сув ва ҳаво ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистон Республикасида суициднинг муаммолари, омиллари, сабаблари ва уни олдини олишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот усуллар сифатида қуйидагилар фойдаланилган: диссертант томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома, Э. Берн бўйича трансактли таҳлил, Шнейдман бўйича аутопсия психологик усули, ҳамда генетик ва статистик усуллар. Улардан ташқари суициднинг эпидемиологик ўчоғлари бўлган ҳудудларда лаборатория-кимёвий ва ускуна-радиацион усуллардан фойдаланилган.

Жумладан, Ангрэн шаҳри, Охангарон туманида сувнинг кимёвий

тахлили, Жиззах вилоятининг эпидемиологик ўчоқларида тупроқнинг кимёвий таҳлили амалга оширилди, Тошкент вилояти Янгиободнинг турли нуқталарида радиация даражаси ўлчанди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор яқунланган суициднинг худудий хусусиятларига кўра аҳоли деярли яшамайдиган олис ва экологияси инсон ҳаёти учун оғир худудларда шахс учун ҳаёт сифати пасайиб бориши, ҳаёт қийматлигининг кескин қадрсизланиши оқибатида суицид кўрсаткичининг ўсишига психологик муҳит яратиб берилиши, ва аксинча жамоавий ҳаёт тарзи юқори ҳамда экологик соғлом муҳитли (нисбатан соғлом) ва ер билан ишлаш маданияти юқорилиги (масалан Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари) каби омиллар ҳаёт сифати ва одам психикасига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида суицид кўрсаткичининг пасайишига олиб келиши исботланган;

эпидемиологик ўчоғ бўлган худудда сувда кўрғошин, тупроқдаги ДДТ одам организмига ва психикасига кучли салбий таъсир этиб, уни депрессия ҳолатига олиб келиши, депрессия эса ўз навбатида инсон учун ҳаётни кескин қадрсизландириб, бундай психологик муҳитда кичик низо ҳам яқунланган суицидга сабабчи булиши асосланган;

илк бор менежментнинг қуйи савияда бўлиши оқибатида буйсунувчи шахснинг сурункали равишда кучли стрессларни бошдан кечириши шахс учун ҳаётни кескин қадрсизлантиришига олиб келадиган психологик ҳолат сифатида суицид билан боғлиқлиқлиги ҳамда сурункали давом этадиган моддий қийинчиликлар, улар асосида вужудга келадиган оилавий низолар, шахсни ўз ҳаёти, фаолиятидан қониқмаслик, ўзига нисбатан хурматини, ўз-ўзини баҳолашни пасайиши натижасида шахсни суицид ҳолатига олиб келиши исботланган;

суицидни юзага келиши ва суицидал фикрларни суицидал ҳаракатларга ўтишида психологик жиҳатдан оиланинг етакчилик ўрни, ва аксинча суицидал фикрларни суицидал ҳаракатларга ўтишдан сақлашда ҳам оила етакчи омил сифатида намоён бўлиши сабабли суициднинг олдини олишда оила институтига ижтимоий-психологик аспектда катта эътибор қаратиш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Суицид бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг эпидемиологик харитаси яратилиб, суицид бўйича эпидемиологик ўчоқларининг омиллари ва сабаблари илмий асосланган;

суицид муаммолари аниқланиб, уларни ечим йўллари ишлаб чиқилган;

суицидни келиб чиқиши ва олдини олишда менежмент муҳим роль ўйнаши илмий асосланган;

суицид профилактикасига қаратилган махсус маъруза курслари ишлаб шифокорларни малакасини оширишда махсус семинарлар сифатида самарали жорий қилинган;

суициднинг динамикаси, барқарор кўрсаткичлари аниқланди ва минтақа ҳамда мамлакат доирасида суицидни олдини олиш сиёсатида расмий, кўпинча



аввалдан сохта статистик маълумотлар нимага олиб келиши бўйича айрим прогностик фикрлар илгари сурилган;

суицид ва суицидентнинг паст ижтимоий-иқтисодий даражаси билан корреляция аниқланган;

Қорақалпоғистонда суицидни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва Вазирлар Кенгашига тақдим этилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган натижалардан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

психиатрия ва тиббий психологияда суицид назарияси ва этиологиясини бойитиб, суицид сабаблари ва омилларини илмий талқин қилишда;

суицидология бўйича ўқув-услугий материалларни назарий тўлдиришда; суд-психологик таҳлилда, тергов амалиётида, яқунланган ва яқунланмаган суицидни айрим ҳолатларида сабаблар ва омилларни аниқлашда;

суицидни яқунланиши факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳолатларни аниқлашда;

мамлакатда суицидни олдини олиш бўйича ҳукумат ва вазирликларнинг меъёрий ҳужжатларини тайёрлашда;

суицидни олдини олиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда; психиатрия ва тиббий психология бўйича мутахассислар, ҳуқуқшунослар, криминалистлар, ижтимоий ходимлар, психологларни тайёрлашда;

тиббий ходимлар ва тиббий психологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар ва психологларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда;

эпидемиологик ўчоқларда суицидни олдини олишда;

суицид муаммосини илмий ўрганишда;

аҳолининг психогенетик саломатлигини мустаҳкамлашда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қуйидагилар билан таъминланади:

тадқиқот предмети ва объектини ўрганишга мажмуавий ёндашув тамойили;

тадқиқот объектлари танланиши;

комплекс усуллардан фойдаланиши ва маълумот берувчилардан материалларни йиғилиши;

тадқиқот қамровининг кенглиги (Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманлари ва шаҳарлари);

2017, 2018, 2019 йиллар бўйича катта статистик материални таҳлили;

тадқиқот усулларининг репрезентативлиги, Ўзбекистон Республикаси бошқа минтақалари билан солиштирув маълумотлари (тадқиқот объектив ҳолисона тақдим этилиши учун Қорақалпоғистон Республикасидан ташқарига чиқиш).

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-психологик муаммолар, суицид омиллари,

сабаблари ва уни олдини олишни тадқиқ қилиш натижалари асосида қуйидаги натижалар олинди:

тиббиёт ОТМлари талабалари учун “Суицид: ҳолат, муаммо ва олдини олиш” номли маърузалар ва амалий машғулотлар курси ишлаб чиқилди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорига ва Йўл харитасига мувофиқ Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети биология факультети талабаларини суицидология, мамлакатда суицидни олдини олиш билан таништириб борилмоқда (Қорақалпоқ давлат университетининг 2020 йил 4 мартдаги 18-сон маълумотномаси). Юқоридагилар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ОТМлари талабалари ўртасида суицид кўрсаткичлари пасайишига эришилди;

болалар ўртасида суицидни олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика марказида ўқитувчилар ва директор ўринбосалари учун суицид муаммоси ва олдини олиш усуллари мавзудаги курс ўқилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигини 2021 йил 31 мартдаги №02-01/2-984-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-назарий, илмий-амалий анжуманларда ҳамда ўқув-услубий қўлланма мазмунида баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шу ҳисобда, 6 та илмий мақола хорижий журналларда ва 5 та тезис илмий-назарий ва илмий-амалий республика анжуманлар материалларида ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.**

Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 163 бетни ташкил қилади. Диссертацияда 16 та жадвал ва 10 та расм тасвирланган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси очиб берилган, шунингдек, эълон қилинганлиги ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Психология фанида суицид муаммосининг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган **биринчи бобида** суициднинг

этиологияси, эпидемиологияси, клиникаси, психологияси ҳамда суицидни олдини олиш масалалари ўрганилган психология, тиббиёт, социология, демография, иқтисодиёт, педагогика, биология, физиология ва фалсафа соҳаларидаги олимларнинг диссертация тадқиқотларининг асосий натижалари баён этилган.

Шу ерда суицидни қоралайдиган динлар муносабатлари, жумладан, Ислом дини муносабати Қуръон ва ҳадислардан лавҳалар билан баён этилган.

Фикримизча, илмий жиҳатдан энг кўп маълумот берувчи тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлар. Нисбатан кўпроқ илмий аҳамиятга эга ижтимоий-психологик йўналишидаги ишлар ташкил этади. Бизнинг фикримизча, оригинал диагностика томонидан аниқроқ ва бинобарин етарли даражада амалиёт доирасида тор деб биология ва физиология йўналишларидаги ишларни ҳисобласа бўлади. Самарали олдини олиш йўналишидаги ишларни, бизнинг фикримизча, социологик ва педагогик тадқиқотлар ташкил этади.

Билиш жиҳатдан ниҳоятда қизиқарли, бироқ амалий аҳамияти томонидан самараси бўш суициднинг фалсафий хусусиятлари бўйича тадқиқотлардир. Чунки суициднинг бирламчи сабаби – бу ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий омил, инсон организмида ва унинг психикасидаги барча қолган ўзгаришларнинг аксарияти юқорида қайд этилган омилларнинг асоратидир, бу йўналишидаги ўрганилаётган жиҳатларни кучайтириш ва доирасини кенгайтириш лозим. Бунда суицид муаммосини комплекс тарзда тадқиқлашни давом эттириш керак, чунки суицид каби мураккаб феноменнинг кўп жиҳатлилиги, кўп қирралилиги ҳаммага аён дир.

Хорижий ва республикамиздаги тадқиқотлар натижалари шундан далолат берадики, бир минтақа бўйича олинган натижалар ва чиқарилган хулосалар ҳар доим ҳам бошқа минтақа шароитида фойдаланиши самарали бўлмайди.

Ҳар бир минтақа бошқа минтақаларга нисбатан умумий ва фарқланадиган хусусиятларига эга. Ҳатто бир омил ҳам бир мамлакатда суициддан шахсни тўхтатиб қоладиган функцияни самарали бажарса, бошқа мамлакатда жуда самарасиз бўлиб чиқади. Масала аҳамиятини унутмаслик керак – бу инсоннинг, оқибатда ҳар йили миллионлаб одамларнинг ҳаёти.

Юқоридаги тадқиқотлар шундан далолат берадики, суицид билан курашишда, айниқса уни олдини олишда тарқоқлик, номувофиклик, суицид муаммосига масъулиятли ёндашувда катта оралик (катта масъулиятдан тортиб то бутунлай бефарқликгача), нотўғрилиқ, кўпинча эса айрим мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ҳолис статистик маълумотларни беркитиш, турли мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ўртасида илмий ҳамкорликни заифлиги мавжуд.

**“Қорақалпоғистон Республикасида менежментнинг ижтимоий-психологик муаммолари, суициднинг минтақавий ҳамда жинсий ва ёш хусусиятлари”** номли **иккинчи бобда** менежментнинг суицидга кўмаклашувчи ижтимоий-психологик муаммолари, Қорақалпоғистон Республикасида суициднинг минтақавий ҳамда жинсий ва ёш хусусиятлари, суицидентларнинг ижтимоий-психологик тавсифи баён этилган.

Раҳбар шахсининг маданияти, бошқарув психологик билим ва кўникмлари, раҳбарнинг ходимлар билан нутқи ва мулоқот маданияти кўп жиҳатдан меҳнат жамоасидаги психологик иқлимни белгилайди ва аксинча, раҳбар шахсининг маданияти паст даражадалиги айрим шахсий хусусиятлар билан биргаликда, кўпинча раҳбар ўзи сезмаган ҳолда ходим психикасига мунтазам равишда салбий таъсир кўрсатиши айрим ходимларда суицидал фикрлар пайдо бўлиши суицидга тайёргарлик ва уларни омалга оширишга сабаб бўлади.

Илк бор суицид ва менежмент ўртасида корреляция тадқиқ этилмоқда ва уларни орасидаги боғлиқликни илмий талқин этишга уринилмоқда.

Биз томондан олинган маълумотларга кўра, яқунланган суицидентларнинг 28 фоизи бошқа омиллардан (иқтисодий, оиладаги шахслараро муаммолар ва бошқалар) ташқари мунтазам равишда раҳбарлар томонидан психологик эзиш, зўравонликка йўликтирилган.

Мазкур бобда суицидентларнинг минтақавий ҳамда жинс ва ёш хусусиятлари баён этилган. Эпидемиологик аломатларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳарлари уч гуруҳга бўлинган: Қорақалпоғистон Республикасида кескин, ўртача ва кучсиз кўринишда ифодаланган туманлар ва шаҳарлар.

Эпидемиологик ўчоқларининг концентрацияси Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмига тўғри келади. Бу Хўжайли, Шуманай, Конликўл, Нукус туманлари, Кегейли ва Қораўзак, яъни суициднинг юқори даражали туманлари республиканинг марказий қисмида жойлашган. Бунда суициднинг паст кўрсаткичли туманларнинг 60 фоизи Қорақалпоғистон Республикасининг шарқий қисмида жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда қисман Туркманистон билан чегарадош.

Суициднинг юқори даражали туманларнинг концентрацияси бошқа омиллардан ташқари, фикримизча, экологияни зарарли моддалар билан янада бузувчи ишлаб чиқаришлар жойлашган саноат ҳудудлари ҳамда сув танқислиги намоён бўлишига боғлиқ. Марказий туманларни Туркманистонга чегарадошлиги аср давомида туркманлар, республиканинг шимолида эса – козоқлар билан генетик ассимиляцияга олиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий-шарқий ва шарқий туманлари сув билан таъминланган, бу ерда экологик вазият анча яхшироқ, зарарли ишлаб чиқаришлар йўқ. Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлар билан қўшни бўлганлиги учун республикада бу минтақалар популяцияси билан ассимиляция давом этмоқда, бу, фикримизча, аҳолининг психогенетик негизига, турмуш тарзига, деҳқончилик маданиятига, овқатланишга, ҳамда таълим даражаси ва сифатига, менежментга, умумий маданий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмида асосан маҳаллий халқ яшайди, шарқий қисмида эса – кўп хоразмлик илдизлар мавжуд, демак аҳолининг генетик асосида жиддий фарқланишлар мавжуд.

Юқорида баён этилган омиллар (экологик, иқтисодий, этник, психогенетик ва бошқалар) кўп маънода аҳолининг жисмоний ва ақлий ривожланиши муваффақиятлигини белгилайди. Маълумотли, касбга эга шахс ишсиз, талаб қилинмасдан қолмайди. Зарур бўлганида шахс яшаш жойини тез ўзгартиради ва ўзига қулай жойда ишлайди, афсуски, уларга маълумот ва касбга эга бўлмаган шахс эриша олмайди.

Фикримизча, шунинг учун Қорақалпоғистон Республикасининг шарқий туманлари кўп параметрлар бўйича марказий туманларга нисбатан янада омадлироқ, келажаги муваффақиятлироқ бўлиб чиқади. Шарқий туманларининг популяцияси деҳқончилик маданияти даражаси ва тадбиркорлик сифатлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа минтақаларидан жиддий фарқланади.

Баён этилганларга асосланиб тахмин қилиш мумкинки, суициднинг этиология и эпидемиологиясидаги етакчи омиллардан бири – бу аҳолининг психогенетикаси, унинг генетик илдизлари. Бу ҳам мазкур масалани алоҳида илмий ўрганишини талаб қилади.

Жамоа, идора, вазирлик ёки мамлакат бўлишидан қатъий назар кўп нарса ҳокимликда ким бўлишига, биринчи раҳбар шахсига боғлиқ. Ҳар бир мамлакат, халқ муносиб раҳбарларга лойиқ, лекин, афсуски, муносиблар куп ҳолларда доирадан ташқарида қолади ёки уларни иккинчи даражали ролларга чалғитишади, раҳбарлик лавозимларни аксарият ҳолларда муносиб бўлмаганлар эгаллайди.

Демак, суицидга таъсир кўрсатувчи минтақавий хусусиятлар куйидагилар билан тавсифланади:

- бошқа мамлакат ва минтақалар каби яқунланган суицид статистик жиҳатдан турли шаҳар ва туманларда ўзгача намоён бўлади;
- Қорақалпоғистон Республикасида яқунланган суициднинг юқори кўрсаткичли эпидемиологик ўчоқлар мавжуд, ўртача даражали ва паст даражали суицидли туман ва шаҳарлар бор;
- минтақалар ўртасидаги яқунланган суицид кўрсаткичидаги фарқи аҳолининг иқтисодий таъминланганлик даражаси ва генетик негизи, инсон фаолияти учун иқлим шароитлари (сув, тупроқ, фауна ва флора), одамларнинг турмуш тарзи, деҳқончилик маданиятининг даражаси, овқатланиш маданияти, ҳамда аҳолининг умумий маданиятига боғлиқ;
- яқунланган суицид статистикаси инсон организми учун ишлаб чиқаришнинг зарарли турлари мавжудлигига боғлиқ;
- яқунланган суицид статистикасига таъсир қилувчи етакчи омилларидан бири экология, бироқ бу масала билан деярли ҳеч ким шуғулланмайди. Бунда экология мазмуни турли минтақаларда ҳар хил, бу суицид этиологиясини ўрганишда ҳар томонлама ёндашувни талаб қилади.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси бўйича яқунланган суицидларда гендер фарқланишлар БССТ нинг ўртача кўрсаткичларига максимал даражада яқин. Яъни, суицид асоратида ҳаётдан

кўз юмганларнинг 69,1 фоизини (96 киши) эркаклар, 30,9 фоизини (43 киши) эса – аёллар ташкил қилади.

Бир қараганда, яқунланган суицид бўйича кўнгилдагидек гендер фарқланишлар билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикасида аёллар кўрсаткичлари максимал даражада эркакларникига яқин – Қораўзак, Эллиққалъа туманлари, баъзида ундан ошиб кетган – Тўрткўл тумани мавжуд.

Яқунланган суицид бўйича турли ёш даврларида гендер фарқланишлари ўзига эътиборни тортади.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, аёллар учун энг хавфли 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган давр. Масалан, 2019 яқунларига кўра, 139 яқунланган суициддан 29,5 фоизи (41 киши) шу даврга тўғри келади. Бунда шу ёшда ҳаётдан кўз юмган суицидентларнинг 51,2 фоизини аёллар ва 48,8 фоизини эркаклар ташкил қилади.


Кичик мактаб ёшидаги болаларда суицид ҳолатлар камдан-кам учрайди. 2019 йил яқунларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 5-14 ёш давридаги болаларда 9 парасуицид ҳолатлар қайд этилган, шундан 5 қизларда, 4 ўғил болаларда. Яқунланган суицид 2 ҳолатда (қизлар ва ўғил болаларда биттадан). Ўсмирлик давридан бошлаб суицидлар сони кескин кўпайиб бормоқда. Бу яқунланган суицид аёллар ўртасида эркакларга нисбатан кўпроқ бўлган ягона ёш даври.

Ҳаётнинг бу босқичи катта ўсмирлик ва ўспиринлик ёшга тўғри келади, бу ўқувчиларни мактабнинг юқори синфларида, лицейларда, коллежларда ва ОТМларда таҳсил оладиган давр. Бу ёшда ёшлар юқорида келтирилган таълим муассасаларида ўқишни тугатади, ўзининг меҳнат, касбий фаолиятини бошлайди ва оилани тузади. Бу болалиқдан балоғат ёшига ўтиш, касбни танлаш ва унга эга бўлиш, мустақил ҳаётни бошлаш босқичи. Ҳаётни бу босқичи мураккаб, чунки ёш, ҳали шаклланаётган шахс бир вақтда кўп ижтимоий ролларни бажаришга мажбур (ўғил ёки қизни ота-онаси олдида, талаба ёки ходимни ишлаб чиқаришда, тажрибасиз ёш ота-оталарни ўз болалари олдида, эр ёки хотинни шахсий ёш оилада, келин ёки куёвни умр йўлдошининг ота-оналари олдида, ака ёки опаларни бува ва бувилар олдида ва бошқалар).

Баён этилганлар қаторига ёшларда кўпинча шахсий ҳаётдан қоникмаслик, бунда чиройли, бадастир ҳаёт кечирish истаги уларнинг иқтисодий имкониятларига мос келмаслиги мазкур ёш даврида ҳаётдан қоникмасликни янада оғирлаштиради. Шунинг учун дунёда яқунланган суициднинг энг катта фоизи (50 фоиздан кўпроқ) 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврга тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бу кўрсаткич 49,6 фоизга тенг (1 жадвалга қаранг).



**Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йил бўйича яқунланган  
суициднинг жинс ва ёшга кўра фарқланиши**

№	Шаҳар ва туманлар	Жинс	Барча ёш	Яқунланган суициднинг жинс ва ёшга кўра маълумотлари:							Жами
				5-14	15-24	25-34	35-44	45-54	55-64	65+	
1.	Нукус ш.	Аёллар	7	-	2		3		2	-	19
		Эркаклар	12	-	1	2	5	4		-	
2.	Тахиаташ ш.	Аёллар	1	-	1					-	5
		Эркаклар	4	-	1	2		1		-	
3.	Хўжайли	Аёллар	3	-	1	1			1	-	12
		Эркаклар	9	-	2		4	3		-	
4.	Шуманай	Аёллар	3	-	2	1				-	10
		Эркаклар	7	-	1	2	4			-	
5.	Конликўл	Аёллар	1	-	1					-	5
		Эркаклар	4	-	1	1	1		1	-	
6.	Кўнғирот	Аёллар	3	-	1		1		1	-	10
		Эркаклар	7	-	1		1	3	2	-	
7.	Мўйнак	Аёллар	-	-						-	4
		Эркаклар	4	-		2			2	-	
8.	Нукус тумани	Аёллар	1	-	1					-	6
		Эркаклар	5	-		1	2		2	-	
9.	Кегейли	Аёллар	2	-	1			1		-	10
		Эркаклар	8	-	1	2	3	2		-	
10.	Чимбой	Аёллар	-	-						-	5
		Эркаклар	5	-	1	2	1		1	-	
11.	Қораўзак	Аёллар	4	-	1	1			2	-	9
		Эркаклар	5	-		1	4			-	
12.	Тахтакўпир	Аёллар	1	-	1					-	3
		Эркаклар	2	-	1	1				-	
13.	Амударьё	Аёллар	6	-	4		2			-	18
		Эркаклар	12	-	6	1	2	1	2	-	
14.	Беруний	Аёллар	2	-	2					-	5
		Эркаклар	3	-	1	2				-	
15.	Тўрткўл	Аёллар	6	1	3	1	1			-	11
		Эркаклар	5	-	1	3	1			-	
16.	Элликқалъа	Аёллар	3	-	1	2				-	7
		Эркаклар	4	1	1		2			-	
<b>Жами</b>			<b>139</b>	<b>2</b>	<b>41</b>	<b>28</b>	<b>37</b>	<b>15</b>	<b>16</b>	<b>-</b>	<b>139</b>



Яқунланган суицидни кейинги даврлардаги гендер фарқланишлар аёллар фойдасига қайд этилади. Масалан, 25-34 ёшда ҳаётдан қўз юмган суицидентлар 28 кишини (21,4 фоиз) аёллар, эркаклар эса – 78,6 фоизни ташкил топган. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқ кейинги даврларда аёллар фойдасига кўпаяди:

35-44 ёш	→	Аёллар -1,9% (7 киши)
	→	Эркаклар - 81% (30 киши)
45-54 ёш	→	Аёллар -7% (1 киши)
	→	Эркаклар - 93% (14 киши)




Диссертацияда суицидентнинг ижтимоий-психологик тавсифи (маълумот, ёш, оилавий мавқе, оила тури, оиладаги зиддиятлар турлари, иқтисодий ҳолат, касб, диний эътиқодлар ва бошқалар) ҳам баён этилган. Булар асосида биз томондан қуйидаги натижалар олинди (2 жадвалга қаранг).



## Суицидентларнинг ижтимоий-психологик тавсифи

Мавқе турлари	2018 йил	2019 йил
Оилавий	43%	39%
Ажрашган	27%	25%
Оила тузмаган	19%	22%
Ишсизлар	29%	33%
Ўсмирлар ва талабалар	12%	14%
Ногиронлар	18%	7,3%
Иқтисодий ҳолати ўртачадан пастроқ	79%	84%



1-расм. Суицидентларнинг ижтимоий-психологик тавсифи.

Фрейднинг психоанализ ғоялари, асаб ва рухий касалликларнинг умумий назарияси ва даволаш усуллари ривожлантириб, машҳур психолог Эрик Берн эътиборни шахслараро муносабатлар негизида жойлашган «трансакциялар» (ўзаро ҳаракатлар бирликлари)га қаратган<sup>2</sup>. Эрик Берннинг фикрича, ҳар бир одамда “Мен”нинг уч ҳолати, ёки уч “Эго”си, мавжуд – ўзини атрофдагилар билан ҳаракатда бўлишини ва натижада ким бўлишини – Раҳбар; Катта киши; Бола - белгиловчи ҳолатлар. Айнан бу ҳолатларни ўрганишга трансакт таҳлил бағишланган. Бу таҳлилда иштирокчилар ўзаро ҳаракатларини тартибга солиш уларнинг ҳолатларини тартибга солиш орқали кўриб чиқилади: Ота-она “Нима керак?”, Катта киши “Эҳтимол ва мақсадга мувофиқ”, Бола эса “Хоҳлайман!” деб ҳисоблайди.

Берннинг фикрича, бола ҳаётининг биринчи икки йиллигида унинг хулқи ва фикрлари асосан она томонидан дастурланади. Айнан шу дастур ким бўлишига – “тўқмоқ” ёки “сандон” - нисбатан бирламчи қобирға, унинг сценарийси негизи, “бирламчи баённома”ни шакллантиради. Бундай қобирғани Эрик Берн инсоннинг ҳаётий ҳолати деб номлайди. Ҳаётий ҳолатлар “бирламчи баённома” сценарийси сифатида қуйидагича шаклланади (3 жадвални қаранг).

<sup>2</sup> Берн Э. Разрешите себе жить по собственным правилам! // <https://www.b17.ru/blog/56774/>

## Базавий ҳаётӣ ҳолатлар

	Мен	Сен	Талқин
1	+	+	<b>Муваффақият ҳолати.</b> Бу соғлом шахс ҳолати, ғолиб ҳолати. Унга одам ёки эрта болаликда эришади, ёки оғир меҳнат натижасида қўлга киритади. Муваффақият ҳолатини оддий ҳоҳиш билан қўлга киритиш мумкин эмас.
2	+	-	<b>Устунлик ҳолати.</b> Бу ҳолатга эга одам “сен айбдорсан” деган ўйин ўйнайди, баъзида кўнгилочарлик, баъзида жиддий. Бундай кишилар одатда ўз турмуш ўртоқлари устидан мазах қилишади, ўз фарзандларини меҳрибонлик уйлари ва қийин ўсмирлар учун интернатларга топширади, дўстлар ва қариндошларда нуқсонлар топишни яхши кўришади. Доимий равишда реал ёки тасаввурдаги душманларни қидиришади. Уларнинг сценарий варианты: “Ундан (ёки улардан) холи бўлиш керак”. Энг ёмон вазиятда – бу қотил ҳолати, яхши вазиятда – “оқибатсиз” кишиларга уларда эҳтиёж бўлмаган нарсаларда сўралмаган маслаҳатчи. Ҳам ғолиб, ҳам омадсиз бўлишлари мумкин.
3	-	+	<b>Депрессивлик ҳолати.</b> Психологик жиҳатдан – бу депрессив ҳолат, ижтимоий томонидан эса – болаларга ўтадиган ўзини камситиш. Касбий ҳаётда бундай ҳолат кўпинча одамни ўзгалар ўртасида онгли равишда камситишга ундайди, бунда уларнинг заиф томонлари фойдаланилади. Бу асосан меланхоликлар, ўзини қийнайдиган одамлар, кўпинча уларнинг ҳаёти ёлғизликда ўтади ва ёки касалхонага, ёки қамоқхонага тушишади. Уларнинг сценарийи: “”Агар бундай бўлганида ...”, “Мен шундай қилишим лозим эди ...”. Бу омадсизнинг сценарийси.
4	-	-	<b>Умидсизлик ҳолати.</b> Сценарий варианты: “Балки шундай қилиниши тўғридир? Балки ўзимни ўлдирсаммикан? Балки жинни бўлиб қолсаммикан?” бу омадсизнинг сценарийси. Клиник нуқтаи назаридан бу ҳолат шизофрениянинг айрим унсурларига эга.

Демак, 3-жадвалда тўрт ҳаётӣ ҳолатлар келтирилган. Ҳар бир ҳолат ўзининг сценарийси ва ўзининг якунига эга: плюс (+) - бу «ҳаммаси жойида» деган ҳолат, минус (-) - «баъзилари жойида эмас». бу бирликларнинг бирикмаси тўрт икки томонлама ҳолатларни бериши мумкин, айнан улардан келиб чиққан ҳолда одамнинг “бирламчи баённома”си, ҳаётӣ сценарийнинг ўзаги шаклланади. Тадқиқотларимиз натижасида Э.Берннинг базавий ҳаётӣ


ҳолатлари бўйича қуйидаги вазиятни олдик (3-расмни қаранг).

Суицидентларнинг 62 фоизи “Мен Окей эмас, сен Окей”, яъни депрессив ҳолатда бўлган, бу қуйидаги саволлар ёрдамида аниқланди:

1. Суицидент бошқаларга қайғурганми? Агар “ҳа”, бу ҳолат қанчалик кўп учраган?
2. Қайфиятдаги ўзгаришлар тез-тез кузатиладими?
3. Суицидент ўзини бирорта нарсада тез-тез айблаганми?
4. Суицидентда саломатликда муаммолар бўлганми?
5. Суицидент ўзини одамлар билан қандай тутган?
6. Суицидентнинг энг яхши кўрган шиори нима бўлган?
7. Суицидентнинг ота-онаси қандай ҳаёт кечирган?
8. Суицидентга ота-оналари томонидан нима таъқиқланган?
9. Суицидентнинг қандай ҳаракатлари унинг ота-онасини табассум қилишга ёки кулишга сабаб бўлган?

3 расм.

### Эрик Берн бўйича суицидент ҳолати



Шундай қилиб, бизнинг маълумот берувчилар томонидан олинган маълумотларга кўра, тахмин қилиш мумкинки, суициди якунланган шахсларнинг аксарияти феъл-атвори холерик ва меланхолик турларига, яъни темпераменти қарама-қарши бўлган, тааллуқли кишилар ташкил этган.

Бошқа муаллифлар маълумотларини ўрганиш ва ўз тадқиқотимиз натижаларини таҳлил қилиш борасида суицидентларга хос айрим умумий хусусиятлар аниқланди:

- маълумот даражасининг юқори бўлмаслиги;
- иқтисодий кам таъминланганлиги;
- ўртача, кўпинча ўртачадан пастроқ интеллектуал даража;
- зўрлашга мойиллик;
- руҳий соғлом;
- ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлмаган, аммо зарарли одатларга эга (ичкилик, гиёҳ, чекиш);
- жосуслик фаолиятига нисбатан мойиллик;

- эгоизм шаклида намоён бўлган нарциссизм мавжудлиги;
- ауто- и гетероагрессияни янада кўпроқ намоён бўлиши;
- суицидга мойиллик;
- маънавий даражаси ўртачадан пастроқ;
- оила тузмаган ёки ажрашган;
- ўзига ишонмайдиган, ҳаддан ташқари ўзини паст ёки юқори баҳолайдиган;
- эмоционал беқарор;
- эмоционал нозик;
- кескин ифодаланган, фрустрацияга мойиллик.

